Указ хокима г. Ташкента

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

2022 - yil 31 - avgust 909-14-0-Q/22 Toshkent shahar hokimligi

Тошкент шаҳрида ташқи реклама ва ахборот объектларини жойлаштирилишини тартибга солиш ҳамда шаҳарнинг мавжуд меъморий қиёфасини сақлаб қолишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2022 йил 5 февралдаги 02/1-2160-сонли топшириғига асосан, Тарихий-шаҳарсозлик муҳити ва Тошкент шаҳрининг мавжуд бинолари меъморий қиёфасини сақлаб қолиш, ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкциялари)ни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартибини мониторинг қилиш, ташқи реклама соҳаси фаолиятини назорат қилиш ва унинг барча иштирокчилари учун тенг ҳуқуқларни таъминлайдиган тамойиллар ва шартларни шакллантириш, шунингдек, Тошкент шаҳрида ўрнатилиб фойдаланиб келинаётган ташқи реклама ва ахборот объектларини хатловдан ўтказиб электрон рўйхатини шакллантириш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг ахборот технологияларини жорий этиш бўйича ўринбосари – Рақамли ривожланиш департаменти раҳбарининг Тошкент шаҳрида жойлашган ташқи реклама ва ахборот объектларини дастлабки хатлови фото ва видеоёзув воситалари билан

жиҳозланган автотранспорт ёрдамида ўтказилганлиги ва уларнинг жойлашуви геобоғлаш орқали Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлил тизимига (“Графит”) боғланганлиги тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳрида ташқи реклама ва ахборот объектларини жойлаштириш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринда – Ишчи гуруҳ) таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Тошкент шаҳри ҳудудида ўрнатилган ташқи реклама ва ахборот объектларини хатловдан ўтказиш учун йўналиш жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ташқи реклама ва ахборот объектларини йўналиш жадвалига мувофиқ хатловдан ўтказилишини ташкиллаштириш;

хатлов натижаларига кўра ташқи реклама ва ахборот объектлари эгаларини аниқлаш, уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганиш ва белгиланган тартибда берилган конструкция паспортлари билан солиштириш;

белгиланган тартибда ўрнатилган ташқи реклама ва ахборот объектларининг эгалари, жойлашган жойи, тури, шакли ва паспорт маълумотларини шакллантириб, махсус яратилган веб-сайтга жойлаштириш;

ташқи реклама ва ахборот объектлари бўйича тўловлар амалга оширилганлигини ўрганиш ва тушумларни таҳлил қилиш.

4. Ишчи гуруҳ (А.Хен) икки ой муддатда:

2018 йилдан бошлаб Тошкент шаҳрида ўрнатилган ташқи реклама ва ахборот объектларини таҳлил қилган ҳолда йиғма маълумотлар тайёрлансин;

Тошкент шаҳрининг географик ахборот-таҳлил тизимига

почему в 2019? с начала года а не сентябрь?

("Графит") барча турдаги ташқи реклама ва ахборот объектлари маълумотлар базасини интеграция қилиниши юзасидан тегишли чораларни кўрсин.

5. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

1 ой муддатда 2018 йилдан бошлаб ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотларни Ишчи гуруҳига тақдим этсин.

6. Туман ҳокимликлари:

2022 йил 1 октябрга қадар 2018 йилдан бошлаб ташқи реклама ва ахборот объектларини жойлаштириш учун амалга оширилган тўловлар бўйича тўлиқ маълумотларни (тўлов амалга оширилишига асос бўлган шартнома рақами, тўловни амалга оширган корхона номи, жисмоний шахснинг исм-шарифи, уларнинг СТИРлари, тўлов ҳажми, тўлов амалга оширилган ташқи реклама конструкцияси паспорти ва жойлашган манзили кўрсатилган ҳолда) Ишчи гуруҳига тақдим этсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати:

Ишчи гуруҳи томонидан ўтказиладиган ташқи реклама объектлари хатлови жараёнини ва хатлов натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш чоралари кўрилсин.

8. Ишчи гуруҳ (А.Хен):

ушбу қарорда белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши таъминлансин ва ташқи реклама соҳасини такомиллаштириш бўйича таклифларни жорий йилнинг 14 октябрига қадар киритсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари – Рақамли ривожланиш департаменти (А.Хен):

Тошкент шаҳрида ўрнатилган ташқи реклама ва ахборот объектларини хатловдан ўтказиш ишлари 2-иловада кўрсатилган тартиб асосида амалга оширилсин;

Тошкент шаҳрида ўрнатилган ташқи реклама соҳасига оид

маълумотларни жойлаштириш учун махсус веб-сайт яратилиши таъминлансин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари А.Хен зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi **ARTIKXODJAYEV J. A.**

Toshkent shahar hokimining
2022 yil 31 avgustdagi
909-14-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Тошкент шаҳрида ташқи реклама масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Ишчи гуруҳи таркиби

1.	А.Хен	-	Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, департамент раҳбари, *Ишчи гуруҳи раҳбари*
2.	С.Садиков	-	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи
3.	Л.Исматуллаев	-	Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси бошлиғи
4.	Р.Жалилов	-	Тощкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи
5.	М.Махкамов	-	Тошкент шаҳар бош архитектори
6.	Ш.Рахимджанов	-	Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари – уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи в.б.
7.	А. Умаров	-	Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи
8.	Ш.Эгамбердиев	-	“Архитектура-режалаштириш бюроси” ДУК
9.	Ш.Ахмедов	-	Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси раҳбари в.в.б..
10.	*Лавозимга кўра*	-	Реклама индустрияси миллий Ассоциацияси Кенгаши вакили
11.	*Лавозимга кўра*	-	Туман ҳокимликларининг қурилиш, коммуникацияларни ривожлантириш, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосарлари
12.	*Лавозимга кўра*	-	Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи, *ишчи гуруҳи котиби*

Изоҳ: ишчи гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига мазкур лавозимларга янгидан тайинланган ёки тегишли вазифаларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Toshkent shahar hokimining
2022 yil 31 avgustdagi
909-14-0-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Тошкент шаҳрида ўрнатилган ташқи реклама ва ахборот объектларини хатловдан ўтказиш

тартиби

1. Тошкент шаҳрида жойлашган барча ташқи реклама ва ахборот объектларини хатлови (кейинги ўринларда – хатлов) ташқи реклама бозорининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш, уларнинг ўрнатилиши қонунийлигини ҳуқуқий таҳлил қилиш мақсадида амалга оширилади.

2. Хатлов мазкур қарор билан тузилган Ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган шаҳар кўчаларини хатловдан ўтказиш йўналиш жадвалига мувофиқ қуйидаги босқичларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

I-босқич: Тошкент шаҳрида ўрнатилган мавжуд ташқи реклама ва ахборот объектларини рақамлаштириш орқали жойлашуви харитасини тузиш ҳамда Тошкент шаҳрида ўрнатилган ва рақамлаштирилган ташқи реклама объектлари “Архитектура-режалаштириш бюроси”дан олинган мавжуд реклама жойлари паспортлари реестри (кейинги ўринларда – реестр) билан солиштиришни (кейинги ўринларда – солиштириш) амалга ошириш.

II-босқич: Ишчи гуруҳи томонидан солиштирма далолатномаларига мувофиқ ташқи реклама ва ахборот объектларининг ҳақиқий ҳолати ва уларни эксплуатацияси шароитлари билан танишиш.

I-босқич

1.1. Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги “Архитектура-режалаштириш бюроси” ДУК Ишчи гуруҳига қуйидаги электрон ёки қоғоз реестрларни (реестрда паспортлар сони, ташқи реклама ва ахборот объектларини жойлашув манзили ва уларнинг сони, шунингдек, ўрнатилган конструкция тури кўрсатилган ҳолда) тақдим этади:

а) фаолияти тугатилган “Тошкент реклама-сервис” ДУКдан Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасига далолатнома асосида топширилган 1994

йилдан 2018 йил 30 августгача бўлган даврда реклама жойлари паспортлари реестри;

б) 2018 йил 1 декабрдан бошлаб Тошкент шаҳридаги ташқи реклама объектлари паспортлари реестрини юритиш ваколати “Архитектура-режалаштириш бюроси” ДУКга ўтказилган санагача Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси томонидан ташқи реклама объектларига берилган паспортлар реестри;

в) “Архитектура-режалаштириш бюроси” ДУК томонидан ташқи реклама масалаларини тартибга солиш ваколати олинган кундан бошлаб ҳозирги кунгача берилган ташқи реклама объектлари паспортлари реестри;

г) ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) қуриш ҳуқуқини «E-auksion» – электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукционлар орқали сотилган объектлар реестри.

1.2. Ишчи гуруҳи Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасидан 1.1-бандда қайд этилган реестрларни расман имзоланган ва муҳрланган ҳолда қабул қилиб олганидан сўнг реестрларнинг ҳар бирини тоифаси бўйича алоҳида рақамлаштиради.

1.3. Ишчи гуруҳи томонидан солиштириш ўтказиш жадвали тузилиб, жадвал ташқи реклама объектлари эгаларига оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиб таништирилади.

1.4. Солиштиришни ўтказиш мақсадида Ишчи гуруҳи томонидан ташқи реклама объектлари эгалари қуйидаги ҳужжатлар билан ишчи гурух томонидан тақдим этилган жадвал тўлдириб келишлари тавсия этилади:

- ташқи реклама жойлари паспортлари;

- ташқи реклама ва ахборот объектларининг турли бурчакларда олинган фотосуратлари (15 кундан ошмаган муддатда олинган сурат бўлиши шарт);

- 2018 йил январ ойидан ҳозирги кунга қадар ташқи реклама ва ахборот объектларини жойлаштириш учун тўловлар тўғрисида молиявий ҳужжатлар (шартнома, тўлов ҳужжатлари, тўловлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаси);

- ташқи реклама объекти учун электр энергиясини етказиб

бериш бўйича тузилган шартномалар.

Юқорида санаб ўтилган барча маълумот ва ҳужжатлар қоғоз ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши тавсия этилади.

1.5. Солиштириш натижалари бўйича Ишчи гуруҳи солиштириш далолатномасини тузади, унда ҳар бир ташқи реклама объекти бўйича Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талаблари ва ташқи реклама жойлашув паспортлари реестрларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса расмийлаштирилади.

Реклама жойлари паспортлари реестри ва/ёки ҳуқуқий нормаларга номувофиқ бўлган баҳсли ташқи реклама объектлари солиштириш далолатномасига киритилади ва алоҳида рўйхат шаклида шакллантирилади.

II-босқич

2.1. Ишчи гуруҳи ташқи реклама жойларини паспортлари эгалари билан солиштирма ўтказганидан сўнг, Тошкент шаҳрида ўрнатилган барча ташқи реклама ва ахборот объектлари ўрганилади ва уларни эгалари томонидан тақдим этилган маълумотлар ва қонунда белгиланган талабларга мувофиқлиги ўрганилади. Ушбу жараёнда ташқи реклама ва ахборот объектларининг мулкдорлари ёки уларнинг вакиллари мавжуд ҳужжатлар билан ихтиёрий равишда иштирок этишлари мумкин.

Ташқи реклама объекти суратга олинади ва ҳар бир ташқи реклама объекти учун электрон инвентар бланкаси тузилади ва инвентар рақами берилади. Ташқи реклама объектининг геомаълумоти ташқи реклама жойлари паспортларининг ягона реестри билан солиштирилади.

Ташқи реклама объекти паспортлари илгари амал қилган тартибга мувофиқ тақдим этилган тақдирда уларни бугунги кунда ўша тартибга мувофиқлигини ўрганишлари лозим.

2.2. Агар ташқи реклама жойининг паспортидаги маълумотлар реестрдаги маълумотлари билан мос келса – ушбу паспортга мувофиқ ўрнатилган ташқи реклама объекти қонунга мувофиқ ҳисобланади. Мулкдор томонидан тақдим этилган реклама жойининг паспорти ягона реестрида бўлмаган тақдирда, Ишчи гуруҳи ушбу паспорт қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганади. Агар паспорт қонунга мувофиқ бўлганда, у ҳолда

ташқи реклама объекти паспорти ягона реестрига киритилади.

2.3. Ташқи реклама объекти Ишчи гуруҳи аъзолари томонидан кўздан кечирилади. Ушбу ташқи реклама объектига тааллуқли бўлган барча шарҳлар, хафвсизлик ва бошқа талабларга мувофиқлиги инвентар варақда кўрсатиб ўтилади. Ташқи реклама объекти мулкдори инвентар варақасида кўрсатилган кўрсатмаларни ихтиёрий бартараф этиш юзасидан кўрсатма хати тақдим этилади.

2.4. Ташқи реклама объектлари Ишчи гуруҳи томонидан кўздан кечирилганидан кейин солиштириш далолатномаси тузилади. Солиштириш далолатномаси икки томонлама – Ишчи гуруҳи аъзолари ва ташқи реклама объекти мулкдори томонидан имзоланади. Қонун ҳужжатларига мувофик бўлган барча реклама жойлари паспортлари Тошкент шаҳридаги реклама жойлари паспортлари ягона реестрида қайд этилади. Ташқи реклама объекти учун инвентар бланкаси махсус веб-сайт орқали электрон шаклда тузилади ва ташқи реклама объектига инвентар рақами берилиб, инвентар рақамлари электрон маълумотлар базасига киритилади.

2.5. Ўрнатиш ва эксплуатация қилиниши қонунга мувофиқлиги бўйича баҳслар бўлган ташқи реклама объектлари реклама жойларининг ягона реестрига уларнинг ўрнатилиши ва эксплуатациясининг қонунга мувофиқлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эътироф этилганидан сўнг киритилиши мумкин.